Масъулияти чекланган
жамияти шаклидаги **“АУДИТ-ТАХЛИЛ ХХI”**
аудиторлик ташкилоти

Аудиторская организация
“АУДИТ-ТАХЛИЛ ХХI”
в форме общество с
ограниченной ответственностью

Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 6-уй тел. (998) 90 618-44-41,
х/р:20208000904117555001, Бухоро шаҳар АТИБ “Ипотека Банк” “Сардор” филиали код 00119 ИНН 203595946

Аудитнинг Халқаро стандартларига (АХС-700) мувофиқ мустақил ўтказилган аудит бўйича АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	**NEFTGAZTADQIQOT АЖ**
Юридик манзил:	Бухоро вилояти, Бухоро ш., И.Каримов кўчаси, 1-уй
Ҳисоб рақами:	2021 0000 7002 8654 7001
МФО:	00440
ОКЕД:	72190
СТИР:	201188456
Тел:	+99855 305 00 55
Асос:	03.04.2026 йилдаги №18-АХ шартнома

Мен, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги **“АУДИТ-ТАХЛИЛ ХХI”** аудиторлик ташкилоти аудитори (Аудитор малака сертификат № 06480 24.11.2024й) Исомитдинов Фаррух Шавкатович **NEFTGAZTADQIQOT Акциядорлик жамияти**нинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан шунингдек хисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларинг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятинг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасинг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган моливий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрстаишлардан холи моливий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотнинг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу моливий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини белгилайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларини бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулохазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли моливий хисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган бахога боғликдир. Бундай рискларни бахолашда аудитор, вазиятга мос келадиган аудитор тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва хаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чикади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган бахоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек моливий хисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз

аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

ХУЛОСА

“**NEFTGAZTADQIQOT” Акциядорлик жамияти**нинг молиявий ҳисоботлари 2025 йил 31 декабрга бўлган моливий холатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

(АХС-700.2-илова)

Хулоса ёзилган сана 15.04.2026 йил

МЧЖ “АУДИТ-ТАХЛИЛ XXI”
АТ Бош директори/ Аудитор **Ф.Ш.Исомитдинов**